

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

300 Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фонд-
ларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида-
ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1662-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 14 декабрдаги 102, 01/КҚБФМНМ-18/07-сонли қарори (рўйхат рақами 1662, 2007 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 11-сон, 101-модда) билан тасдиқланган Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2015 йил 1 июнь,
48-сон

Р. АЗИМОВ

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2015 йил 1 июнь,
01/09-26/12-сон

Д. ХИДОЯТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика-
сининг Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2015 йил 1 июндаги
48, 01/09-26/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида
бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг учинчи хатбошисидан «очиқ» деган сўз чиқариб ташлан-
син.
2. 24 ва 25-бандлардаги «Очиқ акциядорлик жамияти» деган сўзлар
«Акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.